



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 30 май, № 105 (6035)

Жума

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Кадрли фарзандларим!

Авваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни кутлаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — “Баркамол авлод” ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман, барча-барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб кутиб олаётган, меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги ҳаيات барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш — бундай улугвор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши аёндир.

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни,

бир ёқадан бош чиқариб, бир-дамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарт ва омили — бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдир ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажагимизни куришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — бугунги кунда она-юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртлари энг илгор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-хунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратади ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она-юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтади, ҳаётга онгли

қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил — ҳам билим, ҳам касб-хунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз, азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч кимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшаши муқаррар. Бундай авлоднинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги куни албатта ёруғ бўлади.

Хурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-хунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужассам этган ушбу “кичик Олимпиада”нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларини қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта галаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” мусобақаларининг саралаш босқичида, 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 миң нафарни ташкил этаётгани ҳам маъқул беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва му-

росасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги галаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини қўяётган ҳар қайси ёш спортчимиз бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байрогини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрнак ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир қолиби Тоҳир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионати совриндори Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Моҳинур Қахрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар қолиблари Суннатилла Баҳодиров, Хумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саида-хон Казакова, юнон-рум кураши, таэквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳакимов, Фафур Ақтамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун хурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим! Барчангизнинг ҳаётигизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган,

қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она-юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига қўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, давлатим шукки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳақиқат биланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб ашанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, “Баркамол авлод” ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир курувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган му-тасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётигизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Андрис БЕРЗИНЬШ:

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИМ ҲОЯТ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов тақлифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розуқовлар ҳамроҳлигида
29 май куни Самарқанд шахрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шахрининг диққатга сазовор жойлари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхона аждодларимизнинг буюк даҳоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илди-лари ва тараққиётдан далолат беради. Андрис Берзиньш Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Латвия Президенти Амир Темур ва Ҳўжа Дониёр мақбараларини бориб кўрди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва хунарсанд-лик ривожига ҳақида маълумот берилди.

Андрис Берзиньш Шарқ меъморчилигининг ноёб обидалари бўлган Регистон мажмуи ва Бибиҳоним масжидини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу муҳташам обидалар ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Латвия раҳбари Регистон маж-

муида ташкил этилган латвиялик расмон Валдис Бушс кўрғазмасини кўз-дан кечирди.

Дунёда буюк аждодларимизнинг сўнас даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғи-ни турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фао-лияти ҳақида илмий ва бадий асарлар яратил-гани, улуг аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Латвияда Ибн Сино ва Мирзо Улуғбекка ўрна-тилган ҳайкаллар халқи-миз тарихига чуқур ҳурмат ифодасидир.

Андрис Берзиньш Сиеб деҳқон бозорига ҳам бўлди. Мамлакатимиз фаровонлиги рамзи бўлган сархил ноз-неъматларни, сотувчи ва харидорлар учун яратил-ган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан Ўрмала шаҳар думаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Латвия Президенти сафар якунида Ўзбе-кистон оммавий ахборот воситалари вакиллари-га интервью берди.

(Давоми 2-бетда).



ЁШЛИК, КАМОЛОТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Наманган шахрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақалари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



...Тинчлик — энг бебаҳо неъмат.

У қарор топган юрtdа ўсиш, ривожланиш бўлади, одамлар фаровон ва бахтли ҳаёт кечиради, тўй тўйларга, байрам байрамларга улана-ди. Тинчлик бўлса, ҳаловат бўлади. Ҳаловатли элнинг эса ҳар бир куни файзли-тароватли ўтади.

Шу боис ҳам кўпни кўрган халқимиз дуога қўл очганда мустақиллигимизга, мусаффо осмонимизга кўз тегмасин, дея ният қилади. Бундай эзгу истакларнинг тағзинида жуда катта маъно-мазмун му-жассам. Бинобарин, юрти-мизда ҳукм сураётган осойишталик тўғрисидаги шарҳу кишлоқларимиз тобо-



ра чирой очиб бормоқда, замонавий иншоотлар, таълим ва тиббиёт муас-сасалари, спорт мажмуа-лари, кўприк ҳамда йўллар, бог ва хиёбонлар, юксак технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар барпо этилиб, бугунимиз ва эртаимиз учун муносиб шароитлар яратилмоқда.

Дунёда тинчликни неча кунлаб, оилаб, боринги, йиллаб кутаётган давлатлар ҳам йўқ эмас. Фарзандлари келажагини, уларнинг беғубор кулгисини кўриш ақсарият халқлар учун армон бўлиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бундан тўғри хулоса чиқариш, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, истиқлол инъом этган ёруғ

кунларнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчи-миз, вазифамиздир.

Гап фарзанд тарбияси ҳақида борар экан, шуни алоҳида фахр билан айта-мизки, бу ўта нозик маса-лага бизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлат сиёсати даражасида эъти-бор қаратилмоқда. Муста-қил юртимизнинг биринчи

ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани, 1991 йилнинг 20 ноябридаёқ “Ўзбекистон Республика-сида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилингани фикримиз тасдиғидир. Мамлакатимиз Конституцияси ва қатор қонунларда, Прези-дентимизнинг кўплаб

Фармон ва қарорларида ёшлар масаласи ўз ифо-дасини топан. Айтайлик, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожланти-риш Давлат умумий миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижаси-да умумтаълим мактаб-лари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари-нинг қиёфаси кўркамла-шиб, узларнинг моддий-техник базаси мустаҳкам-ланди. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг жорий этил-гани ёшларнинг чуқур билим олиши, қизиқиши, имкони-яти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда муно-сиб касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрни-ни топишида муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз яқинда Самарқанд шахрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг та-рихий мероси, унинг замо-навий цивилизация риво-жидagi роли ва аҳамияти” мавзуида ўтказилган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда, БМТ маълумотлари-га кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюдже-тининг 35 фоиздан орти-гини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзе-бекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳа-сига йўналтирилмоқда. Ушбу рақамнинг ўзиёқ жуда кўп нарсани аңглатади.

(Давоми 2-бетда).



Илмий салоҳият ва бой тажриба

хорижлик мутахассисларнинг мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги соҳасига бўлган қизиқишини оширмоқда



«O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT
DASTURINI AMALGA OSHIRISHNING
MUHIM ZAXIRALARI»
XALQARO KONFERENSIYASI



Жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.

Жаҳоннинг кўплаб давлатларидан олимлар, экспертлар, инвесторлар, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок эти-ши кутилаётган бу йирик анжуман Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётганининг амалий ифодаси, шунингдек, унинг етакчи соҳалари-дан бири бўлган қишлоқ хўжалигида қўлга кири-тилаётган ютуқларнинг юксак эътирофидир.

Дарҳақиқат, мамла-катимиз деҳқончиликда бой тажриба, юксак илмий салоҳиятга эга. Бунинг самараси ўларок, кейинги йилларда

жаҳонда кузатилаётган мураккаб табиий-иклим шароитларига қарамай, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилади. Муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари-га бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, экспорт кўрсаткичлари ҳам мутасил ўсиб бормоқда. Ўтган йили галла етиш-тириш ҳажми 2000 йил-дагига нисбатан 2 баро-бар, картошка — 3,1, саб-завот — 3,2, мева — 3,5, узум — 2, гўшт ва суг — 2,1, тухум — 3,4 марта ошгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 3-бетда).



ЁШЛИК, КАМОЛОТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Наманган шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақалари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўғил-қизларимизни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли — “Умид, нихоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Дунёда ўхшаши йўқ бу ноёб тизим фарзандларимизни фойдали ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бундан ўн тўрт йил муқаддам Наманганда талабаларининг Универсиада спорт мусобақалари зўр муваффақият билан ташкил этилган эди. Энди мазкур вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг “Баркамол авлод” спорт ўйинларига мезбонлик қилапти.

Бугун Наманган шаҳри ҳар қачонгидан ҳам фусункор қиёфа касб этган. Айниқса, оқшом ман-

зараси ўзгача — атрофни ёритиб турган ранг-баранг чироқлар, оҳиста ҳиллираётган байроқлар, файзли кўчалар гулга бурканган хиёбонлар оракиб кўтилган ёшлик, шижоат ва баркамоллик байрами шўкуини акс эттириб турибди.

29 май. “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари муносабати билан замонавий кўринишга, шарт-шароитга эга бўлган “Навбахор” марказий стадиони меҳмонлар ҳамда спорт мухлислари билан гавжум. Уларнинг юз-кўзида хурсандчилик, ҳаяжон шундоққина сезилиб турибди.

Чорлов мусикаси янграйди. Майдонга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келади. Тантанавор саф тортган спортчилар олдиндан Ўзбекистон Республикаси ва “Баркамол авлод” спорт ўйинлари байроқлари олиб ўтилади.

Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақаларини очик, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Йигилганлар Юртбошимиз табригини гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар. Спортчи ёшлар, маросим иштирокчиси бўлган мезбон ва меҳмонлар юртимизда нав-қирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида бекиёс ишлар қилинаётганини яна бир бор юракдан ҳис этидилар. Кўнгиллар фахру ифтихорга тўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, мамлакатимиз байроғи ҳамда “Баркамол авлод” спорт ўйинлари байроғи кўтарилди. Қатнашчилар юртимизда ёш авлоднинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шугўлланиши учун яратиб берилаётган қулайликларга жавобан аъло ўқиш, юксак марраларни забт этиш, бўлажак спорт бешлашувларида ҳалол ва муросасиз курашишга тантанали қасамдид қилдилар.

Уч босқичли мусобақаларнинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, бешлашувларга тайёргарлик жараёнида ҳудудлар инфратузилмаси янада ривожлантирилади. Ҳозиргача ана шундай мусобақалар ўтказилган вилоятларда ажойиб спорт объектилари барпо этилган бўлиб, уларнинг барчаси ўша жойларнинг кўрқига қўрк қўшиш билан бирга, яна минглаб ёшлар қалбида спортга муҳаббат туйғуларини уйғотишга хизмат қилмоқ-

да. Наманганда ҳам “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари республика босқичи бўлиб ўтиши муносабати билан жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, мусобақалар ўтказиладиган “Баркамол авлод” спорт мажмуи, “Дўстлик” теннис корти, Наманган олимпия захиралари коллежи, Олий спорт маҳорати мактаби, Наманган муҳандислик-педагогика институтининг стадион ва спорт заллари таъмирдан чиқарилиб, замон талаблари даражасига келтирилди. “Навбахор” марказий стадионда реконструкция ишлари амалга оширилди. Эндиликда бу иншоот бир йўла 22 минг томошабинни бағрига сиғдира олади. Бундан ташқари, бешта таълим муассасасининг талабалар тураржойлари ҳамда учта овқатланиш мажмуасида ҳам барча шарт-шароит яратилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда мусобақа ташкилотчилари томонидан спорт байрами қатнашчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида тадбирлар режаси тайёрланган. Унга кўра, меҳмонлар Наманганнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар. Улар учун концертлар, фильмлар намойиш қилиниб, иккунчи ўрашувлар, мушоиралар ташкил этилади. Тарихий масканлар, ишлаб чиқариш корхоналари, музей, театр ҳамда маданият ва истироҳат боғларида ёшларнинг ташрифларини уюштириш белгиланган. Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи сахна асарлари намойиш этилади. “Баркамол авлод”, шўқуҳи нафақат вилоят марказида, балки чекка ҳудудларда ҳам намойён бўлади. Масалан, Тўрақўрғон, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, Ўйчи, Учқўрғон, Норин, Чўст, Поп, Мингбулоқ ва Наманган туманларидаги амфитеатрлар, стадионлар, маданият ва истироҳат боғларида концерт дастурлари қўйилади. Қисқача айтганда, ёшларга унутилмас таассуротларни тухфа этиш учун барча имконият ишга солинади.

Мусобақаларни оммавий ахборот воситаларининг 140 нафар ходими ёритиб боради. Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Баркамол авлод — 2014”нинг Матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Интернетда

www.barkamolavlod-2014.uz веб-сайти ишляпти.

...“Навбахор” стадионини тўлдириб турган минглаб томошабинлар нигоҳи майдонга тантанали тарзда олиб қирилаётган “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари машъаласига қаратилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, машъала, аънамага кўра, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшўнос-лик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилди. У Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан ташкил этилган махсус автомобиллар кортежи ҳамроҳлигида Наманганга етказиб келинди. Машъала олиб ўтилган ҳар бир ҳудуд аҳолиси бу ҳаяжонли ва унутилмас онларнинг гувоҳи бўлиш мақсадида пешвоз чиқиб, қўлларида байрам руҳини акс эттирувчи шиорлар, байроқлар билан олқишлаб туришди.

“Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари оловини бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳиста Рашидова ва белбоғли кураш бўйича уч қарра жаҳон чемпиони Рустам Умаров ёқади.

Машъала ҳарорати, тафти барчанинг қалбига ажиб бир илқлик, қувонч улашди. Майдон узра олқишлар янгради. Аланга мусобақалар давомида ёлқинланиб туради.

Кайд этиш жоизки, 2011 йилда Термизда ўтказилган “Баркамол авлод” мусобақаларида ўсмирлар спортнинг 12 тури бўйича голиблик учун кураш олиб борган эди. Бу гал эса финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган йигит-қизлар ўн олти спорт тури — футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, тэквондо ВТФ, енгил атлетика, оғир атлетика, бадий гимнастика, теннис, стол теннис, сузиш ва шахмат бўйича ўз имкониятини синовдан ўтказди. Низомга мувофиқ, бешлашувлар халқаро Олимпиада талабаларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби Олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт ўйинларининг доимо бош мезони бўлиб келган.

Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар томонидан катта концерт намойиш этилди. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари йигилганларда ўзгача таассурот қолдирди.

“Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар),
“Халқ сўзи” мухбирлари.

эвазига иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 350 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз банк тизимида капиталнинг етариллик даражаси 24,3 фоизни ташкил этгани, бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро

меъёрдан 3 баробар юқорилиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Қўлга қиритилаётган ана шу муваффақиятлар, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини муттасил оширишда муҳим омил бўлмоқда. 2013 йилда 13 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi капитал қўйилмалар ўзлаштирилган, 3 млрд. доллар миқдоридa чет эл сармояси қиритилгани ана шундан далолат беради.

Халқаро конференцияда иқтисодий модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштиришда бугунги амалиёт ва илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, банк-молия тизимининг ролини янада ошириш, янги молиявий механизмни жорий қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Д. СОДИКОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Андрис БЕРЗИНЬШ:

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИМ ҲОЯТ САМАРАЛИ БЎЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон Республикасига ташрифим ҳар томонлама самарали бўлди, — деди Андрис Берзиньш. — Делегациямиз аъзолари ўзбекистонлик шериклари билан аниқ масалаларни муҳокама қилиб, ўзаро фойдали келишувларга эришди. Бу келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Хусусан, Юрмала билан Самарқанд ўртасида имзоланган ҳужжат нафақат бу икки шаҳар, балки мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни турли соҳаларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий мартабали меҳмон Шарқ гавҳари Самарқанд шаҳрини яна бир бор кўриш бахтига муассар бўлганидан маннунглигини билдирди. Самарқанднинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий ўтмиши, мумтоз меъморийлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиклол йилларида шаҳарда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан хайратга тушганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳукуматлараро қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи ишлар, иқтисодиёт, молия, нефть-газ, савдо-сармоя, автомобил-созлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, тўқимачилик, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, авиаташув, атроф-муҳит муҳофазаси, алоқа ва ахборотлаштириш, геология каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, қўми таҳраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бора-ча соҳаларда жадал тараққий этаётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи юксак суръат билан ривожланиб бораётган ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг узок муддатли ва ишончли стратегик шериги ҳисобланади. Мамлакатларимиз иқтисодий йўналишида катта салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Жанубий корейлик ишбилармонлар билан ташкил этилган қарийб 420 қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг саксонга яқин компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-қон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлони қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

Жанубий корейлик биз-нес вакиллари иштирокида юртимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Сурғил” қони негизига қиймати қарийб тўрт миллиард долларлик Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилмоқда. У нефть-кимо соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир.

Мажлисида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида изчил ривожланиётган савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш, истикболли қўша лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бераётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон эришяётган юксак иқтисодий кўрсаткичлар тахсинга сазовор, — деди Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари, қўми таҳраиси Ан Чонг Ги. — Ўзбекистон билан машинасозлик, энергетика, металлургия, кимё саноати, тўқимачилик, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳаларда ўзаро фойдали алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Мажлисида мамлакатингиз билан ушбу йўналишлардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларини атрофлича муҳокама этдик.

Тадбирда меҳмонларга мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, “Наврий”, “Жиззах” ва “Ангрен” индустриал зоналарида иш юритиш учун яратилган имконият ва имтиёзлар, шунингдек, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари Ан Чонг Ги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
Ўза мухбири.

БОЛАЛАР ФОРУМИ

Тошкент шаҳрида болаларнинг VII республика форуми бўлиб ўтди.

“Sen yolg‘iz emassan”

Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур форумда педагоглар, шифокорлар, умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Хоибеков, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А. Икромов, “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази раҳбари М. Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларнинг чуқур билим олиши, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида камол топиши масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қафолатланган.

Таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида умумтаълим мактаблари билан бирга махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, тиббий-ижтимоий реабилита-

ция марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларни зарур жиҳозлар, техник ускуналар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан қатор жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда инклюзив таълим” ижтимоий лойиҳаси имконияти чекланган болаларнинг ўз тенгқуўли билан биргаликда таълим олиши, улар учун зарур шароитларни яратиш, иходий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида имконияти чекланган оилаларнинг болаларини ижтимоий-психологик, тиббий қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни янада кенгайтириш, психик функцияларни, кўриш, эшитиш, нуқт, тафаккур, хотира ва ҳаракатланишни ривожлантириш учун ногирон болаларга комплекс ёрдам бериш бўйича илгор технологияларни жорий этиш юзасидан қўллаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Форумда мамлакатимизда инклюзив таълимни ривожлантириш, бу йўналишда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида болалар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига аксурсия ташкил этилди.

Н. УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, шу мақсадда илм-фан янгилликларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараёнда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари замонавий хизматлари билан фаол иштирок этаятики, бу амалда қутилган натижаларни бераётир.

Техник ва технологик янгиланиш — тараққиёт омили

Тошкент молия институтида ташкил этилган “Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгиллаш жадаллаштиришда банк-молия тизимининг роли” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, лизинг компаниялари ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар мутахассислари, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртинларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, ёш олимлар ва талабалар иштирок этди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ

қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижроси таъминланаётгани банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлилик ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми охириг уч йилда 2,3 баробар ўсган бўлса, биргина ўтган 2013 йилнинг ўзида аввалги йилдагига нисбатан 30,1 фоиз кўп кредитлар ажратилди. Берилган инвестицион кредитлар ҳажми эса охириг уч йилда 2 баробар, 2013 йилда эса 2012 йилдагига нисбатан 1,3 баробар ошди. Умуман олганда, ўтган йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар

борасидаги ролини кучайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиш тизимида кенг фойдаланиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Эътироф этилганидек, юртимизда жамият ҳаётини демократлаштириш ва модернизациялаш бора-бора кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бунда, шубҳасиз,

ДАВРА СУХБАТИ

Миллий матбуот марказида сиёсий модернизация жараёнларида ОАВ олдида турган муҳим вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Бир қатор манфаатдор ташкилотлар томонидан уюштирилган мазкур тадбирда мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган сиёсий модернизация жараёнларида ОАВнинг масъулиятини ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ҳамда жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш

қонунчилик замон талаблари асосида тобора такомиллаштириб борилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, жорий йилда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)“ги Қонун қабул қилингани давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, “Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари” тамойилидан қўзланган мақсадлари изчиллик билан рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, шу йилнинг 6 майида эълон қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиллиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам, мазмун-моҳиятига кўра, ушбу мақсадларга қаратилган. Мазкур Қонун давлат органлари фаолиятининг очиллиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлат органларининг фаолияти ҳамда мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ислохотлар ҳақида аҳолининг хабардорлиги самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Бу эса олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад —

эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир тарихий қадам ташланганлигидан далолатдир.

Давра суҳбатида сиёсий модернизация жараёнларининг ҳуқуқий асоси, ушбу жараёнларда ОАВ олдида турган долзарб вазифалар ҳамда уларнинг бу борадаги ўрни ва аҳамияти хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда сиёсий модернизация жараёнларида журналистларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни истиклол ғоялари ҳамда она-Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилиб, бу борада кенг қўлланма ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Хусусан, болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш йўналишида янгича ёндашув жорий этилган бўлиб, айни чоғда мавсумга тайёргарлик ишлари якунига етказилмоқда. Муҳимимиз шулар ҳусусида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т. НАРБАЕВА билан суҳбатлашди.



ЁЗГИ ОРОМҒОҲЛАР

Ўқувчиларнинг таътилни мазмунли ўтказишларида муҳим ўрин тутати

— Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. — дейди Танзила Камоловна. — Нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқларда барпо этилган қулай ва замонавий мактаб, коллеж ва лицейлар, муқташама спорт мажмуалари бугун кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?! Шунга мос равишда болажонларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқариши баробарида, билимини янада мустаҳкамлаб олишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Болалар дам олишини ташкил этиш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи тузилгани ва пиروвардида минглаб ўғил-қизларимизнинг ҳар ёзги мавсумда сифатли ҳордиқ чиқариб, соғлигини мустаҳкамлаб қайтаётганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Бир неча йиллардан буён республикамизда ёзги соғломлаштириш мавсуми Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси асосида изчил ташкил этилмоқда. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётта таътиб қилиниши болаларни соғломлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш билан бирга, оромгоҳлари фаолиятининг самарадорлигини ошириди. Айни чоғда болаларни соғломлаштириш қўламини йилдан-йилга кенгайтириш имконини ҳам бераёпти.

— Бу йилги мавсумга тайёргарлик қилишда нимага эътибор қаратилди?

— Соғлом бола йилида мавсумга ҳар йилдангидан ҳам юқори савияда ҳозирлик қилинди. Хусусан, ўтган йилги мавсум якунлангач, Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг III республика форуми ташкил этилиб, амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ва олдимида турган вазифалар аниқ белгиланган эди. Ўтган даврда бу борада муайян ишлар бажарилди. Аввало, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутахассислари, тегишли мутахассис идоралар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар томонидан жойлардаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шу билан бирга, “Соғлом бола йили” Давлат



тарқатма материаллар тайёрлашда ҳамда оромгоҳларни малакали кадрлар билан таъминлаш юммушлари бажарилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий ўқув-семинарлар ўтказилди.

Жорий йилги мавсум ҳам аънанавий равишда 1 июнь — Болаларни химоя қилиш халқаро кунидан бошланади. Республикаси бўйича жами 1085 та оромгоҳ фаолият қўрсатади. Уларнинг 214 таси стационар, 739 таси кундузги ва 132 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳи эканини айтиш жоиз. Мавсум давомида уларда 281 минг 892 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган. Бу байри ишлар учун жами 36 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Аънамага кўра, бир қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан биргаликда, 214 та ихтисослаштирилган оромгоҳ ташкил этилади. Интеллектуал ривожлантириш, тарбия ва спорт-соғломлаштириш, меҳнат, дам олиш, ихтисомий-моллашув, экологик-биологик,

ўлашунослик, техник ижодкорлик оромгоҳлари қаторига бадий ижодкорлик йўналишини дағи оромгоҳ қўшилиши мавсум янгиликларидан биридир. Мазкур дам олиш масканларида болалар ўз қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб жалб қилинади.

Иқтидорли болалар учун интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Бўстонлик туманидаги “Қўш-ли” болалар соғломлаштириш

Шуларга мос ҳолда, Қўрақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қиз давлатимиз томонидан кўрсатилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ифодаси ўлароқ, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги қорхона ҳамда ташкилотларга қарашли энг сўлим ва баҳаов оромгоҳларда имтиёзли асосда дам олишди. Мавсумнинг яна бир янгилиги — Сароисе ва Узун туманларидан 100 нафар бола ҳам ана шундай имтиёздан фойдаланади.

— Болалар соғлиғи ва ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўрилган чоратadbирлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз.

— Тайёргарлик жараёнида Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликларидаги ишчи гуруҳлар томонидан тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, оромгоҳларнинг педагог кадрларга эҳтиёжидан келиб чиқиб, мавсум давомида 3530 нафардан зиёд педагог кадрлар, етакчи ва тўғрақ раҳбарлари, чет тиллар мутахассислари ҳамда ўқув юртлари талабалари рўйхати шакллантирилди.

Болаларга сифатли табибий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озик-овқат мақсулотлари сифатини назорат қилиш ҳам доимий эътибордаги масалалардандир. Шу мақсадда оромгоҳларнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи аниқланиб, 1401,25 миллион сўмлик дори-дармон ва 178,53 миллион сўмлик зардоблар жойларга етказилмоқда.

Оромгоҳларда ҳавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш мақсадида етарлича ички ишлар идоралари ходимлари бириктирилди.

Муҳтасар айтганда, юртимиздаги барча оромгоҳларда фарзандларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариш ва жисмоний чинқиш билан бирга, билимларини янада бойитишлари учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилди. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлод мамлакат қудратини янада юксалтириш ҳамда биз ору қилган порлоқ келажакни қуришга қодир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ суҳбатлашди.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби (РОЗТМ)

2003 — 2004 йилларда туғилган, умумтаълим мактабларининг 4-синфини битирган, тайёрлов гуруҳида камида 3 йил шугулланган, шунингдек, 2002 — 2003 йилларда туғилган, 5-синфини битирган, республика мусобақалари ғолиби ва совриндори бўлган ҳамда Ўзбекистон теннис федерацияси рейтингига эга ўғил ва қиз болалар

қабулини эълон қилади.

Ҳужжатлар 2014 йил 1 июлдан 30 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, РОЗТМ.

Танлов-тест синовлари 2014 йил 5 августдан бошланади.

Тўлиқ маълумотни вилоятлар теннис федерациялари ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаларидан, шунингдек, қуйидаги сайтлардан олиш мумкин: www.gigal.uz, www.mcs.uz, www.tennis.uz

Тошкентдаги телефон: (8-371) 263-74-96.

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

Экскаваторы колесные и гусеничные
Экскаваторы-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини-погрузчики

GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62, (+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

Узбекистан,
100050, г. Ташкент,
ул. Искисев, 118,
gsthyundai@gmail.com

Товар сертифицирован

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 1 июль кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқимча-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиған очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2013 йил 26 июлдаги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Рибзий кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1387,05 кв.м., қурилиш ости майдони 1272,80 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган уч қаватли уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 2 265 354 282 сўм.

II. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2013 йил 14 мартдаги 8/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи 1-тор кўчаси, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 800 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 171 167 130 сўм.
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи (аввалги Черкасский) 1-тор кўчаси, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 456 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 195 582 240 сўм.

2014 йил 17 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиған аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

I. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор тумани судининг 2013 йил 8 октябрдаги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар мулккий мажмуа сифатида савдога қўйилган:
* Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м. бўлган маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 2 177 064 750 сўм.
* Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси.
Бошланғич баҳоси — 16 135 919 сўм.
* Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси.
Бошланғич баҳоси — 8 833 723 сўм.
* Блок «А», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси.
Бошланғич баҳоси — 89 147 398 сўм.
* Блок «В», умумий майдони 15 145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич баҳоси — 7 081 712 222 сўм.
* Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейтраллаш биноси.
Бошланғич баҳоси — 103 268 682 сўм.
* Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси.
Бошланғич баҳоси — 82 955 561 сўм.
* Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 343 469 433 сўм.
* Блок «Д», умумий майдони 1 891 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 1 027 216 664 сўм.
* Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган бостирма (навес).
Бошланғич баҳоси — 11 324 268 сўм.
* Блок «З», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган иссиқхона иншооти.
Бошланғич баҳоси — 485 593 187 сўм.
* Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган идора биноси.
Бошланғич баҳоси — 62 530 262 сўм.
* Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қрозонхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 13 209 800 сўм.
* Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 35 938 140 сўм.
* Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.
Бошланғич баҳоси — 2 182 350 784 сўм.
* Блок «П», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси.
Бошланғич баҳоси — 127 427 978 сўм.
* Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 9 861 975 сўм.
* Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 5 341 336 сўм.
* Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган насосхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 159 250 779 сўм.
* Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 10 301 796 сўм.
* Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м. бўлган вентиляция биноси.
Бошланғич баҳоси — 981 922 489 сўм.

* Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси.
Бошланғич баҳоси — 125 213 861 сўм.
* Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 18 026 218 сўм.
* Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 47 489 015 сўм.
* Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 5 692 669 сўм.
* Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қоровулхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 6 449 535 сўм.
* Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 348 585 952 сўм.
* Блок «Ц», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангар биноси.
Бошланғич баҳоси — 33 503 233 сўм.
* Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 176 867 800 сўм.
* Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 21 266 717 сўм.
* Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи бино.
Бошланғич баҳоси — 2 228 177 сўм.
* Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 8 324 867 сўм.
* Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 17 320 802 сўм.
* Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 173 700 782 сўм.
* Блок «Б», умумий майдони 19 205 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич баҳоси — 8 980 147 213 сўм.
* Блок «И», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 762 907 889 сўм.
* Блок «Б1», умумий майдони 72 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 7 345 471 сўм.
* Блок «Л», умумий майдони 320 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган қуриш (сушилка) биноси.
Бошланғич баҳоси — 56 637 583 сўм.
* Блок «Ю2», умумий майдони 1 851 кв.м. бўлган бостирма.
Бошланғич баҳоси — 142 678 972 сўм.
* Блок «У», умумий майдони 161 кв.м. бўлган ёнғиндан сақлаш биноси.
Бошланғич баҳоси — 50 434 131 сўм.

II. Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажма, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.
2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажма, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 52 756 200 сўм.
3. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22-«В» уй, блок «Б»да жойлашган, умумий майдони 1 288,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли бинодан иборат автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш, қосиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 1 581 570 900 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичида бир иш кунин қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»
официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан

погрузчики фронтальные и универсальные
погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры
автогрейдеры и землевозы
катки самоходные вибрационные

экскаваторы-погрузчики
экскаваторы
машины фрезерные, траншеекопатели
вилочные авто-и электропогрузчики

Товар сертифицирован
Тел./факс: (8-371) 283-42-18, 283-42-17, моб. (+998 94) 669-29-71.
Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by